

## БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА КИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

*ДБҚ Божхона институти “Махсус  
ҳуқуқий фанлар” кафедраси доценти,*

***Ильин Вячислав Михайлович***

*ДБҚ Божхона институти 4-курс курсанти*

***Хидиров Хусниддин Нуралиевич***

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикаси божхона тизимида кинологи хизматининг аҳамияти, мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда хизмат итларининг ўрни, контрабанда ашёларини аниқлашда хизмат итларининг роли. Кинология хизматини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, хизмат итларини бошқаришда хорижий тажрибаларга таянган ҳолда янги инновацион технологияларни қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** кинологик хизмат, божхона фаолияти, кинология, контрабанда буюмлари, кинология тарихи, хизмат кинологик иқтисодиёти, хизмат итларини тайёрлаш усуллари, бюджет маблағлари, меъёрий харажатлар, иш самарадорлиги, кинологлар фаолиятини баҳолаш, кинологларни рағбатлантириш, кинологик хизматда янги инновацион технологиялардан фойдаланиш.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается значение кинологической службы в таможенной системе Республики Узбекистан, роль служебных собак в обеспечении экономической безопасности нашей страны, роль служебных собак в определении контрабандных поставок. Освещаются предложения и рекомендации по разработке дополнительных мер по улучшению развития и эффективности службы кинология, применению новых инновационных технологий с опорой на зарубежный опыт управления служебными собаками.

**Ключевые слова:** кинологическая служба, таможенная деятельность,

кинология, контрабандные предметы, история кинологии, служебное кинологическое хозяйство, методы подготовки служебных собак, бюджетные средства, нормативные затраты, эффективность работы, оценка деятельности кинологов, стимулирование кинологов, применение новых инновационных технологий в кинологической службе.

**Abstract:** The importance of canine service in the customs system of the Republic of Uzbekistan, the role of service dogs in ensuring the economic security of our country, and the role of service dogs in detecting contraband are discussed in the article. Proposals and recommendations on the development of additional measures for the development and improvement of the efficiency of the service dogs, the use of new innovative technologies in the management of service dogs based on foreign experiences are highlighted.

**Key words:** canine service, customs activities, cynology, contraband goods, history of canine science, service canine economy, methods of training service dogs, budget funds, regulatory costs, work efficiency, evaluation of cynologists' activities, promotion of cynologists, use of new innovative technologies in canine service.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида Давлат божхона қўмитаси фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий кўрсаткичларининг йиллик ўсиши, экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳоли турмуш даражасининг сезиларли даражада ошиши-мамлакатимизнинг тараққиёт ва янгилашиш йўлидан изчил бораётганининг тасдиғидир.

Тобора global аҳамият касб этаётган ушбу муаммолардан бири божхона қонунчилиги бузилиши билан товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишдир. Шунинг таъкидлаш жоизки, божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан божхона органлари учун мавжуд бўлган барча куч ва воситалардан фаол фойдаланишга боғлиқ. Бундай воситаларга махсус божхона назорати техникаси билан бир қаторда республикамиз ҳудудига ноқонуний олиб кирилаётган контрабанда ва бошқа

товарларни аниқлашда фойдаланиш учун махсус тайёрланган қидирув итларининг аҳамияти салмоқлидир.

Турли вазиятларда қидирув итларидан фойдаланиш уларнинг яхши реакцияси, эшитиш, кўриш қобилияти, жисмоний кучи, чидамлилиги ва айниқса ҳидни ҳис қилиши билан боғлиқ. Бунинг ёрдамида улар кўплаб ҳидларни ёдлаб, ажратиб олишлари, сўнгра уларни гиёҳванд моддалар, курол-яроғ ва бошқа контрабанда буюмларини топиш учун ишлатишлари мумкин. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний ҳаракатини аниқлаш учун махсус ўқитилган итлардан фойдаланиш божхона назоратининг техник воситалари билан бир қаторда бутун дунёда фаол қўлланилмоқда. Ўзининг географик жойлашувидан келиб чиқиб, контрабандачилар гиёҳвандлик воситаларини турли усуллар билан Ўзбекистон Республикаси орқали олиб ўтишга ҳаракат қилмоқда, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси гиёҳвандликка қарши кураш муаммосига ва ушбу йўналишдаги халқаро ҳамкорликка катта еътибор қаратмоқда. Бу масалани теран англаш республикамизда гиёҳванд моддалар контрабандасининг олдини олиш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича кўплаб халқаро шартнома ва битимлар имзолангани билан тасдиқланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришни талаб этади.

Божхона хизматининг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашуви кўп асрлик бой тарихга эга бўлиб, ушбу жараёнлар иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда халқаро муносабатлар таъсирида амалга ошириб келингани жаҳон тараққиёти тажрибасидан маълум. Таъкидлаш жоизки,

мустақиллик йилларида мамлакатимизда сифат жиҳатдан янги мустақил божхона тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди ва бу борада кўйилган мақсадларга эришилиб келинмоқда.

Иқтисодий ислохотларни айниқса, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор йўналишлари — инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишда миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатини замон талаблари даражасида таъминлашда божхона фаолияти муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бу борада божхона хизматининг салмоғи мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳамда унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда, ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш ва ривожлантиришда ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Божхона органлари фаолиятида миллий кинологиянинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти мавжуд бўлиб, ҳозирда ушбу йўналиш бўйича кинологларнинг хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш, хизмат итларидан унумли фойдаланиш ҳамда уларнинг бошқариш жараёнида янги инновацион технологияларни қўллашни тақозо этади.

Сўнги йилларда кенг қўламли ислохотларнинг гувоҳи бўлдик. Ҳар бир соҳадаги ўзгариш, татбиқ этилган замонавий амалиётлар, лойиҳалар, инсон фаровонлиги ва унинг кадр-қимматини оширишга қаратилган манзилли чора-тадбирларнинг барчаси амалга оширилганлигига гувоҳи бўлдик.

Халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, парламентаризмни ривожлантириш ва давлат органлари ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Божхона органлари тизимида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилиб келинди. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат хизматларининг шаффофлигини ва улардан эркин фойдаланиш имкониятини, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, экспорт-импорт операцияларининг мутаносиблигини таъминлаш тадбиркорлик

фаолиятини жадал ривожлантириш, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш, аҳолининг турмуш шароити ва сифатини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади. Шунингдек, божхона фаолияти самарадорлигини ошириш, миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш, контрабанда ва контрафакт маҳсулотларни олиб киришнинг олдини олиш вазифаларини самарали бажариш ҳамда қонун йўли билан таъқиқланган товарларнинг яъни курул-яроғ, портловчи, наркотик моддаларни ноқонуний равишда мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилиши ва ундан олиб чиқилишининг олдини олиш борасида Давлат божхона органлари тизимида Миллий кинология хизмати катта ўрин тутди.

Ҳозирги кунда Республикамиз ижтимоий ҳаётини ривожлантириш ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида, барча соҳаларда туб ижобий ўзгаришлар олиб борилмоқда. Мана шундай соҳаларидан бири кинологиядир. Кинология қадимги юнон сўзи бўлиб, «кйнос»– ит ва «логос» – илм, фан деган маънони англатади. Демак, кинология итларнинг пайдо бўлиш тарихи, зотлари, тузилиши, ҳатти-ҳаракатлари, олий нерв системаси, экстеръери-ташқи тузилиши, анатомияси, физиологияси ҳамда уларни тўғри парваришлаш ва овқатлантиришни ўрганувчи фандир. Бошқа соҳалар ичида бу йўналиш нисбатан ёш бўлганлиги боис, ҳали ушбу соҳада бир қатор ишларни амалга оширилиши лозим бўлади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5414-сон Фармони қабул қилинди. Шунингдек, ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 декабрда «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона кўмитасининг миллий кинология маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1029-сон қарори қабул қилинган. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши Миллий кинология марказининг моддий-техника таъминотини янада ривожлантирилиши билан бирга, балки

бугунги тезкор даврда унга мос равишда ўқув ва машқ жараёнларини олиб бориш имконини бермоқда. Бу эса нафақат мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида хизмат олиб бораётган кинологлар балки, бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида ҳам хизмат олиб бораётган кинологларни тайёрлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш ва бир қатор жумладан, контрабандага қарши курашиш каби сабабларни эътиборга олган ҳолда, 1996 йилда Давлат божхона қўмитаси ҳузурида Миллий кинология маркази ташкил этилди.

Миллий кинология марказининг асосий вазифаларига гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, қурол аслаҳа ва портловчи моддалар олиб ўтилишининг олдини олиш мақсадида малакали кинолог-мутахасисларни тайёрлаш, хизмат итларини тайёрлашнинг замонавий усулларини яратиш ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда фойдаланиш.

Миллий кинология марказида махсус курсларни ўташ учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, замонавий компьютер синфи, ҳар бир йўналиш бўйича махсус жиҳозланган ўқув хоналари, имитация хонаси ва кинология соҳасига оид ўқув адабиётлар билан таъминланган кутубхонасига эга. Шунингдек, кинологлар томонидан эгалланган кўникма ва билимлари бўйича амалий машғулотларни ўтказиш учун дала шароитини тўла-тўқис ўзида акс эттирувчи машқ майдонлари, мураккаб жиҳозлар билан таъминланган услубий хоналар мавжуд. Махсус анжомлар билан жиҳозланган, климатик ва ландшафт шароитларини ўзида акс эттирган машқ-ўргатув майдончалари ташкил этилган.

Таъкидлаш жоизки, марказ фаолитида халқаро ҳамкорлик борасида бир қатор аҳамиятга мойил бўлган улкан ишлар амалга оширилган. Жумладан, 2002 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш ва жинойтларнинг олдини олиш бошқармасининг

Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан фаол ҳамкорликлар йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ДБҚ Миллий кинологик марказнинг ўқув ва моддий-техник базаси халқаро талабларга мувофиқлиги боис, 2008 йилда Жаҳон божхона ташкилоти томонидан **“Жаҳон божхона ташкилотининг минтақавий кинология маркази”** мақоми берилган ва меморандуми имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси ДБҚ Миллий кинологик марказнинг ўқув ва моддий-техник базаси халқаро талабларга мувофиқлиги боис, 2008 йилда Жаҳон божхона ташкилоти томонидан **“Жаҳон божхона ташкилотининг минтақавий кинология маркази”** мақоми берилган ва меморандуми имзоланган.

Кинолог курсантлар Миллий кинология марказининг ўқув курсларида куйидаги йўналишлар бўйича тайёрланади:

- Гиёвандлик воситаларини қидириш
- Қурол-яроқ, ўқ-дори ва портловчи моддаларни қидириш
- Ҳимоя-қоровул хизмати
- Қидирув-қутқарув хизмати
- Валюта қимматликларини қидириш
- Мина қидирув
- Тамаки маҳсулотларини қидириш
- Из-қидирув
- Антитеррор
- Ўсимликлар уруғларини қидириш

Миллий кинология марказида 2021 йилда 341 нафар кинологларни ўқитиш режалаштирилган бўлиб, улардан нафақат божхона органининг кинологлари ушбу йўналишлар бўйича бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кинологларини ҳам ўқитиш режалаштирилди ва ўқув курслари ушбу режа асосида ташкил этилди ва ўқитилди ҳамда кинологлар

тайёрланди. Жумладан, божхона органлари кинологлари 180 нафар, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг 78 нафар кинологлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 10 нафар кинологлари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлигининг 7 нафар кинологлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 46 нафар кинологлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўсимлик ва карантини давлат инспекциясининг 20 нафар кинологлари ўқитилди ва юқорида келтириб ўтилган йўналишлар бўйича хизмат итлари тайёрланди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлашни истардимки, сўнгги йилларда миллий кинология маркази фаолиятини ислоҳ қилиш, хизмат итлари ёрдамида самарали божхона назоратини амалга ошириш, контрабанда ва бошқа қонунбузарликларга қарши курашда хизмат итларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди.

Жумладан:

- бугунги кунга келиб, халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, миллий кинология маркази гиёҳванд моддаларни аниқлаш, қурол-яроғ, ўқ-дорила ва портловчи моддаларни қидириш, қўриқлаш хизмати, қидирув-қутқарув хизматлари, миналарни қидириш, тергов ва терроризмга қарши кураш соҳаларида кинологларни тизимли ўқитиш ва хизмат итларини тайёрлашни олиб бормоқда;

- божхона постлари орқали чет ел валютаси ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида хизмат итларини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда;

- Ўзбекистон Республикаси жамоат ташкилотлари билан божхона органларининг расмий фаолиятида фойдаланиш учун юқори насли итларни кўпайтириш, шунингдек, уларнинг сонини ошириш бўйича кинологик хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик олиб борилмоқда;

- хизмат итларидан фойдаланган ҳолда божхона постларида ўтказиладиган божхона текширувлари ҳамда улар томонидан аниқланган



хуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида тўплаш ва таҳлил қилиш мақсадида "кинология хизмати" автоматлаштирилган ахборот тизими жорий етилди;

- ҳар бир алоҳида хизмат ити учун батафсил маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда уларни ҳисобга олиш мақсадида итлар териси остига электрон чипларни жойлаштириш механизми жорий етилди.

Бугунги кунга қадар махсус ўқитилган ит божхона соҳасидаги жинойтларни аниқлашда божхона органлари фаолиятининг ажралмас қисмидир. Фақат хизмат итларидан тўғри фойдаланиш билан тезкор-тергов фаолиятида ҳам, божхона назорати пайтида ҳам ижобий натижаларга еришилади. Миллий кинология маркази ходимлари ўзларининг расмий вазифаларини бажаришда юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни аниқлаш учун хизмат итлари иши ва божхона органлари инспекторлари-кинологларининг фаолияти самарадорлигини доимий равишда кузатиб борадилар ва таҳлил қиладилар.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган давлатларда хизмат итларини бошқаришнинг ўзига хос услублари мавжуд, аммо МДХ давлатларида ҳамда Ўзбекистон Республикасида кинологлар томонидан хизмат итларини белгиланган вазифаларни бажариш учун тайёрлаш ва бошқаришда *янги илгор инновацион технологияларни қўллаш* мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони. ПФ-60-сон 2022 йил 28 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмурчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони. 27.04.2022 йилдаги ПФ-122-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида» ги Қонуни. ЎРҚ-397-сон. 2015 йил 25 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5414-сон Фармони. 2018 йил 12 апрель.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6005-сон Фармони. 2020 йил 5 июнь.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг миллий кинология маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1029-сон қарори. 2018 йил 18 декабрь.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги 21-сон қарори. 2021 йил 18 январь.

8. Ўзбекистон Республикаси «Божхона Ахборотномаси» иқтисодий, ҳуқуқий. Илмий-амалий журнал. 2019 йил 2-сон.

9.